

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши раиси
Ф.Р.Ханапияевга

Хурматли Фарходжон Рахмонович!

Мен Қутлиева Дилноз Бешимовна Денов туман тиббиёт бирлашмаси Кшп тармоқли марказий поликлиникасида юқумли касалликлар шифокори вазифасида ишлайман.

Мен кўп йилдан буён ОИВ/ОИТС инфекцияси билан касалланган беморлар билан ишлаганлигим ва менга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдагидаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли Қарорнинг VIII бўлим. 8.1. банди талаби бўйича 50 % устама ҳақлари тўлансин деб кўрсатилган бўлсада, иш берувчи томонидан устама ҳақларим тўланмасдан келинган.

Мурожаатим юзасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат инспектори У.Бўриев томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво киритилиб жорий йилнинг 18 апрел кундаги ҳал қилув қарорига кўра ташкилот томонидан жами 10 млн 730 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Юқоридагиларга кўра Сизга ва меҳнат инспекторларингизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

25.06.2025й.



Д.Қутлиева